

# Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

18 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский раислигида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Президиум қайта қуриш шароитларида маҳаллий Советларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан халқ депутатлари Тошкент область Советининг ишнини қўриб чиқди. Тошкент область ижроия комитетининг

раиси П. М. Абдурахмонов шу масала юзасидан ҳисоб берди.

Область Совети, унинг ижроия комитети КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини бажара бориб, маҳаллий Советлар фаолиятини қайта қуриш юзасидан изчил иш олиб бораётгани таъкидланди. Улар экономика ва социал қурилишга раҳбарлик юзасидан ўз вазифаларидан тўлароқ фой-

далана бошладилар, қайси идорага бўйсунганидан қатъи назар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар планларининг тузилишига активроқ таъсир ўткази бошладилар.

Бир қанча шаҳар ижроия комитетлари ҳузурида тузилган комплекс социал-иқтисодий тараққиёт бўлимлари, область ижроия комитетининг ишлаб чиқариш — иқтисодий бош бошқармаси ижтимоий ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш, уларни

га қарашли территориядаги социал инфраструктурани ривожлантириш вазифаларини ҳал этишга киришдилар. Тармоқ программалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Чирчиқ шаҳрида шаҳар хўжалигини комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал этаётган корхоналар директорлар кенгаши ишламоқда, Ангрен, Оҳангарон ва Нариманов шаҳарларида

тармоқлараро-территорияда бирлашмалари тузилмоқда. Область ижроия комитети ва маҳаллий Советларнинг бир қанча ижроия комитетлари уй-жой, социал-маиший ва айрим ишлаб чиқариш объектлари қурилишида ягона буюртмачи вазифасини бажармоқдалар. Халқ истеъмол товарлари, маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга кўпроқ эътибор берилмоқда. Советлар фаолиятининг демократик принциплари, ошкоралик, сайловчилар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг турли-туман формалари янада ривожланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



## ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ


ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 37 (9273).

1988 йил 20 февраль

Баҳоси 3 тийин.



• СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ  
ФЛОТИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



### КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг мажлиси

18 февраль куни КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссиянинг 1987 йилги иш якунлари ва партия XXVII съезди қарорлари асосида, қайта қуришнинг янги босқичида 1988 йилги вазифалар муҳокама этилди.

КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов доклад қилди. Урта ва олий мактабни қайта қуриш қандай бораётгани ва уни тўбора амалга ошириш соҳасидаги чора-тадбирларни қўриб чиққан КПСС Марказий Комитети-

нинг 1988 йил февраль Пленуми партия ва мамлакат турмушидаги муҳим сиёсий воқеадир, деди у. Пленумда КПСС Марказий Комитети Вош секретари М. С. Горбачев сўзлаган ёрқин, сермазмун нутқда ҳозирги босқичнинг энг муҳим вазифалари ўртага қўйилди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, Марказий Ревизия комиссиясининг фаолиятини ўтган йили партияда ревизия ишнини активлаштиришга, маҳаллий ревизия комиссияларига методик ёрдамни чу-

қурлаштиришга, ошкораликни кенгайтиришга қаратилди, шунингдек сиёсий адабиёт нашриётининг иши, Чечен-Ингушсия партия ташкилотыда аъзолик бадаллари қандай тўланаётганлиги, КПСС Марказий Комитети маданият бўлимида ишларнинг юритилиши ҳамда меҳнатқиларнинг хат ва аризалари қандай қўриб чиқилаётганлиги ва бошқа масалалар текирилди.

Докладчи ва сўзга чиққан кишилар умуман партияда ревизия иши анча жонланганлигини таъкидладилар.

Кўпгина ревизия комиссиялари ўз вазифалари ва вазифаларини тўлиқроқ амалга оширадиган, ишларнинг аҳолига анча танқидий баҳо берадиган, камчиликларни қатъийроқ фош қиладиган бўлиб қолдилар. Шу билан бирга уларнинг кўпи эскича услубни бартараф этмадилар, ишни чинакамига авж олдириб юбормадилар. Шу бондан қайта қуришнинг янги босқичида ревизия ишида содир бўлаётган ижобий силжишларни чуқурлаштириш, уни янги мазмун билан бойитиш зарур.

Мажлисда КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг 1988 йилги иш плани тасдиқланди.

(ТАСС).

• ОҚЎРҒОН районидagi Алимкент посёлкасида яшовчи Қўшназаров Улканазар ака онласида 6 фарзанд тарбияланиб юзга етди. Шулардан бири Орзумамат ўз йиғилик бурчини Афғонистон Республикасида ўтаб қайтди ҳамда жанговар хизматлари учун «Ҳасурлиги учун» медали билан тақдирланди.

Ойладаги 4-фарзанд Ботир Қўшназаров эса армия хизматида Германия Демократик Республикасида ўтамоқда. Яқинда у ўқиган мактабга хизмат қилаётган қисм командиридан миннатдорчилик хати келди. Суратда: Жданов номи 3-ўрта мактабининг бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси А. Аҳмедов (чапдан иккинчи) ана шу хатини оила бошлиғи У. Қўшназаровга топширмоқда.

Ҳ. АВВАЛОВ фотоси.

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айни вақтда область халқ депутатлари Советлари қайта қуришнинг дастлабки босқичида ишчи чинакамига авж олдиришга муваффақ бўлишмагани, вақтни бой бериб қўйишгани таъкидлаб ўтилди. Уларнинг кўпи ҳали ўз территорияларини иқтисодий ва социал ривожлантиришда етакчи ўрни тутмаётганлар, умумий вазифаларини ҳал этиш учун қорхоналар ва ташкилотларнинг куч ва маблағларини мувофиқлаштириб туриш чораларини кўришда журъатсизлик қилмоқдалар. Экономикани ривожлантириш суръатларини умуман барқарор эмас, унинг экстенсив характери оғир қийинчиликлар билан бартараф этилмоқда.

Ҳамма ерда ҳам расмийлик, ҳақдорлик, ҳисоб беришчи органларнинг, раҳбар кадрларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишда уларнинг роли ҳозирча суст. Областдаги барча Совет ходимлари ҳам ўз фаолиятига танқидий баҳо беришга тайин бўлмаган. Уларнинг кўпчилиги авж олиб бораётган демократия шароитларида ишлашга ҳали ўрганиб олингани йўқ, аҳолининг танқидий фикр-мулоҳазаларига нотўғри муносабатда бўлмоқдалар. Улар экономикани

ва социал соҳани ривожлантиришга раҳбарликдаги янги ёндашувларни суст ўзлаштирмоқдалар. Ҳамма ерда ҳам депутатлар, Советлар доимий комиссияларининг ташкилотчилик ролини ошириш, ўз территорияларини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга меҳнат коллективлари ва аҳолини сафарбар этиш юзасидан таъсирчан чораларни қўйиш зарур.

Президиум Тошкент область ижроия комитети зиммасига область халқ депутатлари Советлари фаолиятини қайта қуриш ишини тубдан яхшилаш, уларнинг куч-гайратларини янги босқичнинг бош вазифалари — экономикани жадал, ҳуқуқни ривожлантириш, социал соҳадаги қатъий ижобий ўзгаришларни рўйбга чиқариш, иқтимоий ҳаётни янада демократиялаш, ўзгартириш жараёнида меҳнаткашлар ва аҳоли барча табақаларининг роли ва активлигини ошириш вазифаларини ҳал этишга йўналтириш вазифаларини юкляди. Республика миёнликлари ва идораларига конкрет топшириқлар берилди.

Сирдарё область ижроия комитети раиси И. У. Кучқоровнинг меҳнатсиз даромадларга қарши курашини кучайтириш юзасидан область халқ депутатлари Советлари олиб бораётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Областда давлат ва меҳнат интизомини, ижтимоий

интизомни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган иш бир қадар яхшиланиши таъкидланди, бу эса экономика тараққиётига, ҳуқуқ бузилиши ва жиноятчиликнинг умуман камайишига ижобий таъсир этмоқда. Салбий ҳодисалар, жумладан меҳнатсиз даромадларга қарши кураш масалалари сессияларда, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг мажлисларида муҳокама қилинмоқда, меҳнат ва истеъмол мезони устидан назоратни кучайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинмоқда.

Шу билан бир қаторда область вазирлиги, кўпгина район ва шаҳар советлари КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини, СССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг шу масала ҳусусидаги талаблари самарали бажарилишини таъминламоқдалар. Белгиланган тадбирларнинг бажарилишини устидан муттасил ва амалий назорат ўрнатилмаган. Область халқ ҳўжалигида ўғирлик ва растрата ҳақон кўпайиб бормоқда, мансабдор кишилар кўшиб ёзишларга, кўзбўямачиликка, порахўрликка йўл қўймоқдалар. Чайқовчиликка, самогон тайёрлашга, гиёҳвандликка қарши курашда, ер ва уй-жой қонуларининг турлича бузилишларига қарши курашда узил-кесил чоралар кўрилгани йўқ.

Президиум халқ депутатлари Сирдарё область совети ижроия комитетининг ишчи КПСС Марказий Комитети қарори ва СССР Олий Совети Президиуми ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тегишли фармонлари талабларига жавоб бермайдиган, деб топди, аниқлаштириш ва меҳнатсиз даромадларга қарши кураш юзасидан илгари ишлаб чиқилган тадбирлар қандай бажарилаётганини таҳлил этиш, уларнинг бажарилиши учун масъул бўлган кишиларга талабчанликни оширишни топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Халқ депутатлари Термиз шаҳар советининг бошқарувининг территориял ва тармоқ принциплари билан бирга қўйиб олиб бориш асосида шаҳарнинг ишлаб чиқариш потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган иш тажрибаси тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганини кўриб чиқилди. Термиздаги тармоқларо-территориял бирлашманинг мавжуд ишлаб

чиқариш потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тажрибаси республикада ҳали кенг қўламда ёйилмаганлиги таъкидланди.

Президиум миёнликлар ва идоралар, республикадаги халқ депутатлари область ва шаҳар советларининг бу борадаги ишчи етарли эмас, деб топди, улар зиммасига халқ ҳўжалик комплексини бошқаришнинг самарали формаларидан кенг қўламда фойдаланиш учун қўшимча тадбирлар қўриш, Термиздаги тармоқларо-территориял бирлашманинг тажрибасини зарур шарт-шароитлари бўлган шаҳар советлари ишига жорий этиш вазифасини юкляди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, республика миёнликлари ва идораларига тармоқларо-территориял бирлашмалар ташкил этиш ва улар фаолиятини тақомиллаштиришда маҳаллий советларга ҳамма ерда бериш таклифи этилди.

Мажлисда республика давлат ҳаётининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Т. А. Ешимбетова, Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси П. Қ. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари Э. Т. Зоҳидов, Н. Н. Иванова, Ш. Р. Мирсаидов, Х. Н. Нориев, Г. А. Стефановский, республика миёнликлари ва идораларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

● КЕЧА ●

## Илмий-амалий конференция

19 февралда область партия комитетида «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишларини тақомиллаштириш — қайта қуришнинг боришига партия ташкилотлари таъсирини кучайтиришнинг муҳим омил» мавзусидаги илмий-амалий конференция иш бошланди. Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, Тошкент олий партия мактаби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ташкил этган.

Унинг ишида шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, бўлим мудирилари, партия комиссияларининг раислари, партия комитетлари ва партия бюраларининг секретарлари, ёш коммунистлар мактабларининг пропагандистлари, аттестация комиссияларининг раислари, илмий ходимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек республикадаги область партия комитетлари ташкилий-партиявий ишлар бўлимларининг мудирилари, партия контроли комиссияларининг раислари қатнашмоқдалар.

Яли мажлисда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини муваффақиятли бажаришнинг қатъий шарт» мавзусидаги докладларини тингладилар. Бугун илмий-амалий конференция ўз ишини давом эттиради.

Конференция қатнашчилари шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонининг «Партия сафларини мустаҳкамлаш, бошланғич партия ташкилотлар жанговарлигини ошириш — ҳозирги кадрлар сўвсатини амалга оширишнинг муҳим омиллари», тарих фанлари доктори, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси партия қурилиши кафедрасининг профессори И. Н. Юдиннинг «КПСС XXVII сьезди қайта қуриш шароитларида партия жанговарлигини оширишда унинг сифат составининг аҳамияти тўғрисида», тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент олий партия мактабининг ректори М. И. Исқандаровнинг «Партияда ленинча принциплар ва аъзолик нормаларига риоя этиш, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун кураш — партия ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси», тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори Ш. С. Зиёмовнинг «Коммунистлар активлигини ошириш — КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини муваффақиятли бажаришнинг қатъий шарт» мавзусидаги докладларини тингладилар.

## ҚАЙТА ҚУРИШ: СЎЗДА ВА АМАЛДА

КЕЧАСИ яна қор ёғиб чиқди. Қуёш булутсиз кўнда чарақлаб турса-да, ҳаво совуқ. Дарвоқе, тоғларнинг табиғати таъсирини қийин. Вироздан сўнг чўқиларини булт қоплади. Совуқ кучайди, яна қор ёғи бошлади...

Ўргозсой бўйлаб бораёلمиз. Учинчи қўрага яқинлашганимизда ўқ овози эшитилди.

га улгурибди. Чўпон чалажон, тийричилаб ётган қўйнинг бўғизига пичоқ тортиди. Чўпон йигит билан танишдик. Исми Абдуракул экан. А. Умаров икки йил бурун Армия сафида хизматни ўтаб қайтган, отаси қўлидан чўпонлик таъғини қабул қилиб олди.

Бирдан итлар ҳуриб, қиялик томон югуришди. — Бўри ҳали узоққа кет-

рилган қўраларни аллақачон янгилаш керак эди. Масалан, Абдуракулнинг қўрасини олиб қўрайлик. Унинг отарида 320 бош совлиқ бор. Қўрадаги катта-кичиқ тирқишлардан шамол уриб турибди. Оёқ босадиган қуруқ жой йўқ. Ҳаммаёқ шилта, чанка томавериб қўлмақчалар пайдо бўлган. Абдували Наврўзқулов, Холбой Умаров бошлиқ отарларда эса аҳвол бундан ҳам ёмон.

Биз қўздан кечирган бешта қўрада охурларнинг йўқлиги сабабли хашак ерга солинмоқда, озуқанинг кўп қисми қўй-қўзилар оёғи остида исроф бўляпти.

— Ҳар йили ана шу аҳвол, дейди М. Раҳмонов. — Раҳбарларга айтaverиб чарчадик. Улар қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Лекин, шунга қарамай чўпонлар астойдил меҳнат қилишяпти. Бу йил бригада отарларида ем-хашак, омхнта-ем етарли. Ҳар бош совлиққа 400 граммдан ем ва ўт уни берилляпти. Мана икки йилдикки, чўпонлар оила пудратида ишлашяпти.

Биз ҳўнок қилаётган Оҳангарон районидagi «Олмалик» совхозининг Мирзали Раҳмонов бошчилик қилаётган қўйчилик бригадаси аъзолари бу йил ҳар юз бош совлиқдан 97 тадан соғлом қўзи олинган аҳд қилишган. Ҳа, шароитнинг оғир бўлишига қарамай, чўпонлар ўз сўзларининг устидан чиқиб учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

А. НАВРЎЗОВ.

## ЧЎПОНГА ОСОН ТУТМАНГ

— Сурувга бўри оралаганга ўхшайди, — деди бирдан безовталаниб, қишлоқ қомушлари, ташвишлари ҳақида гапириб келаётган бригадир Мирзали Раҳмонов.

— Бўри кўми? — сўраймиз ундан.

— Кўп, — дейди бригадир. — Бундай ҳавода ҳушёр бўлмасанг, тумшугининг остидаги қўйни ҳам илб кетади.

Қўлида милтиқ ушлаган йигит бизни қарши олди.

— Ҳов, ана у томондан тилиб келди, — дея у қўли билан қиялиқни кўрсатди.

— Катта қўк бўри, ярадор бўлганга ўхшайди. Ўлжасини ташлаб қочди. Афсус сал кечикдим-да.

Бўри бир қўйнинг қорнини ёриб, чап сонини гажин-

гани йўқ. Жароҳати оғир бўлса керак, ё бўлмаса уни гўшт таъми безовта қилайти, чоғи, — деди Абдуракул бригадирга.

Бу шу кунларда меҳнат қилаётган чўпонлар ҳаётидан бир лаъха, холос. Ҳақиқатан ҳам чўпонлик касби қўнчилик ўйлагандек таёқ кўтариб сурув кетидан қуре-қуре раб ўриш эмас. Дардинг азобини дард чеккан билади, дейишяпти.

Ўргозсой бўйлаб маржондек тизилиб кетган қўраларда меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқларнинг меҳнати қишда анча оғирлашади. Бу ҳам етмагандек, улар бу йилги қишлоғига қурувчиларининг айби билан қўнчилдагидек тайёрларлик ҳам кўришолмади. Олтмишинчи йилларда нардан берн қў-

Социал масалалар бўлимида

ҲАР БИР ЙЎЛОВЧИ—НАЗОРАТЧИ

КАЙТА КУРИШ СУЗДА ВА АМАЛДА

ХАЛҚ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига куйидаги мазмунда хат келди.

«Мен Сергели район 2-массив 62-уйнинг 11-квартирасида истиқомат қиламан. Ҳар куни 58-экспресс автобусида ишга қатнайман. Биласизми, ҳар куни автобусга чиққанымда йўловчиларнинг жуда кўпчилиги билет олмаётганлигини кўриб қуйибди кетаман. Ахир шаҳар транспортни ривожлантириш биз — пассажирларга ҳам боғлиқ-ку! Қолаверса, эрталаб саҳарда ва кечқурунлари контролёрлар ишламайди, бунни эса одамлар билишадди, демак улар билетсиз юрадидлар. Бунақа ахвол қачонгача давом этади? «Кўён»лар устидан қачон назорат кучайтирилади?

А. ЕФРЕМОВА.

Худди шу хат ва бошқа шу мазмундаги ўнлаб мактублар шаҳар ижроия комитетининг транспорт бўлимида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда атрофлича ўрганиб чиқилди. Кенгашда «Главташпассавтотранс» Тошкент шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда барча

турдаги пассажир транспортини координациялаш бошқармасининг масъул ходимлари иштирок этишди. Пассажирларнинг автобус ва трамвайларда ўз вақтида билет олмастиклари оқибатида автокорхоналар молиявий жиҳатдан катта зарар кўрмоқда, деб таъкидланди кенгашда. Хатларда билдирилган фикрлар тўғри эканлиги қайд этилди ва бундан буён назоратни кучайтириш зарурлиги ўқтирилди. Кенгашда шунингдек, шаҳар транспортини янада яхшилаш ҳамда контроль хизматини ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

Кенгашдан сўнг «Главташпассавтотранс» бошлигининг ўринбосари Ш. Шоваҳобов билан учрашдик.

— Бу кенгаш жуда муваззуга бағишланди, — деди бошлиқ ўринбосари. — Шу кеча-қундузда шаҳарда етмиш нафардан ортиқ назоратчилар ишламоқда. Бу арзиманган куч билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Шоолим Шомансурович шундан кейин янги йилдан бошлаб шаҳарда жамоатчи

контролёрлар жамияти тuzилганлигини айтди. Бу жамият йўловчиларнинг йўл ҳақини тўлаш муаммосининг ҳал қилинишига салмоқли ҳисса қўлади. Ҳозирча жамиятга қирқ киши аъзо бўлди Улар ичида ишчилар, хизматчилар, шофёрлар, студентлар бор. Уларнинг ваазифаси нимадан иборат? Жамият аъзоси «кўён»дан тутиб келади. «Кўён»дан ундирилган жарима — 3 сўмдан 75 проценти «кўён»ни тутиб келган жамият аъзосига берилади. Шунингдек, келажакда билетсиз юрганларни тутишига автокорхоналар раҳбарлари фотоафларини ҳам жалб этадилар. «Кўён»ларнинг суратини автобус салонларига осиб қўйиш мўлжалланмоқда.

Газетхоналарга маълумот учун: шаҳардаги автобусларга бир йилда давлат томонидан 14—15 миллион сўм дотация (уларга кетган ҳаражати қоплайдиган сумма) берилади. Ҳар бир йўловчининг автобусда юриш таннархи 7—8 тийинга тушади.

И. ФАТТОҲОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ҚИШЛОҒИМИЗ ҚАЙСИ РАЙОНГА ҚАРАЙДИ?

ҚУШҚУРҒОН қишлоғимиз 1987 йилга қадар Калинин районига қарар эди. Уша йилнинг бошида Сергели районига ўтказилди. Шунда қишлоқ аҳли маданий ҳаётини билан боғлиқ кўндал буён битмай келатган чала ишларнинг рўбega чиқишини умид қилиб қувонган эди. Утган йили маҳаллий Советларга сайловлар олдидан бўлган учрашуларда депутатликка номзодлар ҳам сайловчиларнинг назарларини тинглаб, уни сўзсиз бажаришга ваъда беришганди.

Аmmo ушандан бери ҳеч қандай ўзгариш юз берган йўқ. Аксича, бир вақтлар Убай Маҳмудов кўчасидаги хонадонларда краллардан бемалол оқиб турган сувлар тўхтаб қолди. Кейин билсақ, аллақандай қурилиш ташкилоти водопровод тармоқларини бузиб кетган экан. Бузишга бузишди-ю, ҳанузгача тузатишмапти.

Яна бир муаммо. Қишлоғимиз Калинин районига қарашли бўлган пайтда мактабларимизда ёшларни турли касбларга ўргатиб, уларда меҳнатга кўникма ҳосил қиладиган тўғараклар ишлаб турарди. Машигулотлар анча қизиқарли ўтар эди. Қизиқ, Сергели районига ўтишимиз билан мактаблардаги тўғараклар негадир ёпилиб қолди. Нима учун бундай бўлганлигининг ҳамоно тағига етолмаймиз.

Қишлоғимизнинг Сергели райони ихтиёрига ўтганига ҳам мана, бир йилдан ошди. Бироқ расмий ҳужжатлар бўйича ҳали Калинин районидан ўтганимиз йўқ. Масалан, пропискани ўзгартириш учун ҳар биримиз 10—15 кунлаб овера бўлаймиз. Бу ишни ёша ҳал этиш мумкин эмасми?

Кези келганда шунини бир-йўла ҳам айтиш керакки, Ойбек кўчасини ремонт қилиш ва болалар поликлиникасини қуриб бериш тўғрисидаги нақазларимизни депутатлар томонидан бажарилишига ҳам ишонмай қолдик. Чунки бу ишларга ҳали мутлақо қўл урилган йўқ.

(Хатга жами 17 киши имзо чеккан).

ОМБОРХОНА ҲАҚИДА ОМОНАТ ГАПЛАР

КИРОВ район улгуржичакана савдо идорасининг «Маданият» колхозидаги 2-омборхонаси биноси қурилганига 22 йил, савдо корхонасига хизмат қилаётганига 16 йилдан ошди. Шунча йилдан бери ремонтсиз фойдаланиб келиняпти.

Омборда бундан 12 йил бурун 10 тонналик тарози ўрнатилган эди. Ҳозир у ҳам бузилди, ерга чўкиб кетди. Омборнинг ремонт-талаб бўлиб ётганлиги, тарозининг бузилганлиги, бу аҳволда ишлаб бўлмаслиги ҳақида савдо идорасининг

директори Юсупова бир неча бор хабар берилди. Шундан кейин Оржоникидзе район Совети ижроия комитети ходимлари «Ташлодоовощпром» раҳбарлари омборхонага келиб аҳволини кўришди ва ремонтга ёрдам берамиз деб ваъда қилиб кетишди. Афсуски уларнинг ваъдалари омборхонамига ўхшаб омонат чиқиб қолди. Шу кунгача улардан дарак йўқ.

Э. АБДУЛЛАЕВ.

«ҲАММАГА АЁН НАРСАНИ ИСБОТЛАШ ШАРТМИ?»

АКС САДО

Газетамизнинг шу йил 18 февраль сониди юқориди сарлавҳа остида мақола босилди, унда қрим татар миллатига мансуб бўлган экстремистик кайфиятдаги граждандар томонидан Бекобод шаҳрида ивгогарона митинг ташкил этилганлиги ҳақида ёзилган эди. Худди кутилганидек газета ўқувчилари, жамоатчилик шу бўлган воқеаларга ўз муносабатларини билдирдилар — редакцияга, партия органларига совет кишиларидан дастлабки хатлар ва мурожаатлар келаболмади, уларда бундай хатти-ҳаракатлар одилона қаҳр-ғазаб-уйғатаётганлиги, тухматчиларнинг хатти-ҳаракатлари қатъий қораланаётганлиги, қон-қардош халқлар ўртасида парокандалик киритишга бўлган уринишлар бейфойда эканлиги ҳақида ёзилади.

«Газетада бўлаётган воқеалар ҳақиқоний асос этирилган. Шу муносабат билан нима учун Ф. Аблямитов ва Э. Фозилова оқиқ мунозарадан бош торганликлари, республика ишчи комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисидан чиқиб кетганликлари тушунарли эмас? Афтидан уларнинг далиллари камга ўхшайди. Уларнинг усуллари, худди мақсадлари қачонгача ҳақиқатан ҳам халқнинг оруз-умидларига ётди. Қрим татарларининг ҳақиқий манфаатлари комиссияда меҳнат ветеранлари ва уруш иштирокчилари

С. Омеров, Х. Османов ва бошқалар билан бўлиб ўтган учрашувада оқиқ-ойдин баён этилди.

С. ИБРАГИМОВ, Ш. КЕЛЯМОВ, С. АШУРОВА, Р. МУСТАФАЕВА.

«Утган яшанбадаги каби бўлиб ўтган митинглар «шухрат» кетидан қуваётганлар учун қўл келади, холос. Буни тушуниш вақти келди».

В. СОКОЛОВ, Бекобод шаҳридаги автобус-таксомотор парки ҳайдовчиси.

«Совет ҳокимиятини қоралайдиган широрларга қандай қилиб бамайлихотир муносабатда бўлиш мумкин? Ҳар қандай совет кишиси бу широрни кўриб ким амалда ҳақ эканлигини дарҳол пайқаб олади, деб ўйлайман».

Ш. МАВЛЯНОВ, Ўзбекистон металлургия заводи мастери.

«Бугун биз ҳаммамизга намойишлар ва митинглар эмас, осойишталик ва вазмиялик керак».

Х. КАСИМОВ, Бекобод шаҳри.

«Бундай тадбирлар — ҳуқуқмат томонидан қрим татар халқи проблемаларини ҳал қилиш юзасидан қўрилаган чораларини бузиб кўрсатишга уринишдир. Улар фақат қаҳр-ғазаб тугдирлади. Наҳотки соғлом фикрли, соф қалбли қрим татарлар вакиллари ўз «интилишларида» ҳадидан ошаётган шахсларнинг танобини

тортиб қўя олмайдилар».

У. ҲАМИДОВ, Бекобод райониди «Авангард» совхоз.

«Бекободдаги чиқишлар каби воқеалар фақатгина асабий аҳволи вужудга келтиради. Турли мамлакатларга мансуб кишилар ўртасидаги соғлом муносабатларга путур етказди».

М. МИРАБДУЛЛАЕВА, Бекобод райониди Дзержинский номли колхоз.

РЕДАКЦИЯДАН: Бекобод район маданият бўлимидан хабар беришларича, шаҳарда шу кунларда бўлиб ўтган йиғилишида музика мактаби директори У. Эмиров гўё Ўзбекистоннинг машҳур бир группа ёзувчилари ва широрлар, шу жумладан О. Матжон ва Р. Парфи томонидан имзо чекилган ва яқшанба кунини бўлиб ўтган каби воқеаларни қўллаб-қувватланган хатни ўқиб берган. Маданият бўлими ходимларининг республика ёзувчилар союзига олдий кўнгироқ қилиши ва унинг раиси билан сўзлашиши бу оқиқ кўриниб турган ғаламислиқни инкор этиди.

Бундай хатти-ҳаракатлар кимга кераклигини тушуниш қийин эмас. Албатта, халқнинг турли хил «вакиллари» ва «хомийлари» бўлган шахслар ҳатто фактларини бузиб кўрсатишдан ҳам тоймаётганликларини кўриб турибмиз.

Йиғилишлар Бекобод

районидаги ва Бекобод шаҳридаги қатор корхоналар, колхозлар ва совхозлар, ташкилотлар ва муассасаларда бўлиб ўтди.

Келатган хатлар кескин, мунозарали, баъзилари ташвишли ҳамдир. Бу ташвишни тушуниш мумкин. Одамлар ўз фарзандларини ўйлаб ҳақли равишда ташвишланиётдилар, бетларига қараб очикдан очик қўраётат қилишлари, қўрқатишлари мумкинлигини сезяптилар; шаҳар ва посёлкаларда қрим татар миллатининг сохта «доҳийлари» орқасидан бормаётган одамларни, принципал, ўз нуқтан назари бўлган одамларни диққат билан кузатиб бораётган нотаниш шахслар, кишилар группаси пайдо бўлганлигидан норозилик билдирмоқдалар. Бундан буён жамоат тартиби нормалари бузилмаслиги учун, юқоридидаги ўхшаш ивгогарона ҳаракатлар йўлини тўсиш учун ҳамма нарсани қилиш керак. Ҳар бир меҳнатқашнинг ҳар бир совет кишининг ҳақиқоний талаби ана шундай. Улар учун Ватан, интернационализм, дўстлик сингари сўзлар муқаддас бўлиб қолган.

Тўғри, ҳозирча ўзини қрим татарларининг «бирдан-бир» ва «ваколатли» вакили деб атаётганларгина индамай турибдилар. Нима учун? Уларнинг ўз халқига айтишга аризулиқ сўзлари йўқмикан?

ОДАМЛАРНИ ЧАЛҒИТМАНГИ

ҚРИМ татар граждандаридан иборат бир гуруҳ экстремистларнинг кейинги кунлардаги хатти-ҳаракатлари биз колхозчиларни гоётадан ранжитмоқда. Буни қаранг-а, улар миллий манфаатларимиз камситилпти, деб асоссиз даъво қилиб, турли митинг ва йиғилишларни ўтказиб, одамларни чалғитиб, ишдан қўймоқдалар! Биз уларнинг бу даъволарига мутлақо қўшилиб олмаيمиз. Ахир қрим татарларнинг жуда яхши турмуш кечираётганликларини яхши биламиз. Уларнинг ҳаётларидаганолийдиган жойлари йўқ.

Яна шунини ҳам яхши биламизки, аскарият меҳнатқаш қрим татарлари бир тўда экстремистларнинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни, уларга эргашшни аслида истамайдилар. Лекин таъқиблар, дуқ-пунисалардан чўчиб «саф»га туришга мажбур бўлмоқдалар. Бундайларга нисбатан биз «Дадил бўлинглар, қўрқоқлик қилманглар, бутун халқ сининг томонингизда» деб ишонч билан айта оламиз.

Миллий манфаатларга келганда шунини айтиш керакки, ҳуқуқмат комиссияси, қрим татарлари вакилларидан иборат ишчи комиссиялар бу масалани кўриб чиқмоқда. Мамлакатимиз бошқа халқларнинг ҳам қонуний манфаатлари ҳисобга олиниб масала албатта, ижобий ҳал этилади, бунинг учун вақт керак, сабр-тоқат керак.

А. ЭГАМНАЗАРОВ, Оржоникидзе райониди «Қизил Ўзбекистон» колхоз бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

# 2000 ЙИЛГАЧА ҲАР БИР ОИЛА КВАРТИРА ЁКИ УЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

## «ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА 2000 ЙИЛГАЧА МЎЛЖАЛЛАНГАН УЙ-ЖОЙ ПРОГРАММАСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ» ТЎҒРИСИДАГИ ДОҚЛАД ТЕЗИСЛАРИ

27 февралда йигирманчи чакирмак халқ депутатлари Тошкент вилояти Советининг кўрнган сессияси бўлди. 2000 йилгача мўлжалланган вилоят уй-жой программасининг асосий йўналишлари ва уни ҳал этишни жадаллаштириш тадбирлари депутатлар диққат марказида бўлди.

Область ижроия комитети кун тартиби юзасидан, шунингдек, доқлад тезислари бўйича аҳолидан ўз таъкиди.

Уй-жой қурилишининг белгиланган планларини амалга ошириш Тошкент вилояти шаҳар ва районларининг ҳамма ресурсларини иложи борича кўпроқ сарфлардан истифода қилиш талаб қилади.

12-беш йиллик давомидида вилоятда 43,1 миң квадрат метр уй-жой кам фойдаланишда топширилди. Бу ҳаммамиз уй-жой қурилишидаги бундай қўрқинчли ҳолатларни бундан қўқинчи қилишимиз керак.

1987 йилда олтига раёнларда — Оққўрғон, Ғалаба, Қалинин, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз раёнларида ёғоч-тахта соғувчи магазинлар қуриш ва уларни реконструкция қилиш планлаштирилган эди.

Бундай кооперативларни ҳамма жойда ташкил этиш керак. Область савдо бошқармаси, область матлубот жамияти уларга бозор фонди бўйича зарур қурилиш материалларини биринчи навбатда харид қилиш учун ёрдам беришлари, область таъминот бошқармаси ва шаҳар ҳамда раён ижроия комитетлари эса бу кооперативларга бинолар, машиналар ва механизмларни ижарага беришлари лозим.

Шаҳарлар ва раён марказларида инженерлик тармоқларининг лозим даражада ривожланмаганлиги оқибатда уй-жой-кооператив қурилишида капитал маблағлар тўла ўзлаштирилмапти.

Ушбу йилда ушбу йилда Тошкент вилоятида умумий ҳаҷини 8,4 миллион квадрат метрдан ортиқроқ уй-жой қурилади. Шунга қарамай муаммо кескинлашган қолмоқда.

Партия XXVII съезди қўйган 2000 йилгача ҳар бир оилани турар-жой — алоҳида квартира ёки янча тартибдаги уй билан таъминлаш вазифаси катта сийсий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Областнинг бошқа бир қатор шаҳар ва районлари уй-жой программасини тузишда ҳам шунга ўхшаш камчиликларга учрашмоқда.

Уй-жой программасини бажариш чоғида шаҳарлар, раён марказлари, колхоз, совхозларнинг марказий кўрғонларини комплекс раёктерда қурилишни таъминлаш зарур. Мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар маданият, спорт, маиший-хизмат кўрсатиш объектлари қурилишни эсдан чиқармаслик керак.

Уй-жой қурилиш программаси пул билан таъминлашнинг қуйидаги уч асосий манбаи ҳисобига амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

Утган йили Олмалик, Охангарон, Ангрэн, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ва областнинг барча районлари йиллик уй-жой масивлари барпо этиш учун ер участкалари акратиб бериш имконини топдилар.

Белгиланган планларни бажариш учун биз Олмалик, Ангрэн ва Юбилейний посёлкасидаги Сельский уй-созлик комбинатлари ялли қувватини 320 миң квадрат метрга уй-жой қурилиш берилишига етказишимиз, монолит уй-созлик базасини йилгача 100 миң квадрат метрга етказишимиз, гишт ишлаб чиқаришни 5 марта кўпайтиришимиз лозим.

Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам муҳимдир. Масалан, Қозғирни қанда ҳамма ҳам қишлоқ жойларида янча тартибда уй қурувчилар банкдан 50 йил давомидида қайтар бериш муддати билан 20 миң сумгача кредит олиши мумкинлигини, қатор ҳолларда акратилган кредитнинг катта қисмини қайтариб уй қурувчи меҳнат қилаётган корхона, олоқ совхоз қайтариб бериши мумкинлигини билмайд.

Шахсий уйларни асосий магистраль йўллари, инженерлик коммуникацияларида узокроқда қуриш, хуторлар қурилишида илгарй йўл қўйилган камчиликларни қайтармаслик мақсада мувофиқ эканлигини тушунириш лозим.

Юқорида санаб ўтилган коллективлар ташаббусининг асосида ишни ва хизматчиларни ўз уй-жой муаммоларини ҳал қилишга кенг жалб қилиш принципи этиди.

«БЕМОРГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК»

Утган йил ичиди Тошкент вилоятида умумий ҳаҷини 8,4 миллион квадрат метрдан ортиқроқ уй-жой қурилади. Шунга қарамай муаммо кескинлашган қолмоқда.

Бу мақсадга эришиш учун суръатини янча баравар тезлаштириш лозим.

Уй-жой қурилишининг бу ҳажмлари 1986—2000-йиллар даврида шаҳар ва районлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

Уй-жой қурилишнинг умумий ҳажмининг 40 процентини қорхоналарнинг социал фондларидан акратган даромадлари ҳисобига қуриш мўлжалланмоқда.

Уй-жой қурилишнинг умумий ҳажмининг 40 процентини қорхоналарнинг социал фондларидан акратган даромадлари ҳисобига қуриш мўлжалланмоқда.

Ушбу таъкидлаш керакки, 1985—1986 йилларда янча тартибда уй-жойлар олдирини йиллардаги иссиқлик билан бирмунча кам қурилади.

Область агропромуоти комитети ҳам бу муҳим иш билан суш шуғулланмоқда.

Область архитектура бўлими, капитал қурилиш бош бошқармаси бу масалада кўпроқ куч-ғайрат кўрсатишни керак.

